

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
БАЁНИ**

---

2018 йил 4 июнь  
соат 11:00

АС-3

Тошкент шаҳри Абай  
кўчаси, 4а-уй

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
445 244 882 дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
445 244 882 дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи  
акцияларнинг умумий сони: 407 617 048 дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг  
номидан қатнашаётган вакиллар сони 7 киши.

Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони -  
5 киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони – 2 киши.

**КВОРУМ – 91,55%**

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари банк Бошқаруви Раиси  
Ч.С.Мирзаев ҳамда банк Бошқаруви аъзолари, департамент  
директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига  
банк Кенгаши аъзоси **А.Э.Миралиев** раислик қилди.

**Йиғилиш котиби:** Ж.Б.Ботиров

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси - «Туронбанк» АТБ  
Ахборот технолигиялари департаменти директори Рустамов Дилшод  
Абдухаписович, комиссия аъзолари Пул муомаласи департаменти  
директори Хўжақулов Абдунаби Хакимович ва Ҳазначилик ва қимматли  
қоғозлар департаменти директори ўринбосари Ишниязов Отабек  
Баходировичлар йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг  
овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми мавжудлигини аниқлаш  
бўйича иш олиб бордилар.

Йиғилиш раиси акциядорлардан банк Кенгаши томонидан тузилган  
саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаб  
беришларини сўради.

Йиғилишда саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркиби бир  
овоздан тасдиқланди.

**Умумий йиғилишга Раислик қилувчи А.Э.Миралиев** Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишини 2018 йил 23 май куни чақириб тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2018 йил 24 май куни «Биржа» газетасининг №58 (2381) - сонидан эълон қилинганлигини, қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар қилинганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари иштироки ҳамда йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш учун сўз **Саноқ комиссияси раиси Д.А.Рустамовга** берилди.

**Д.А.Рустамов** Саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди ва «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди (Саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомаси илова қилинади, 1-илова).

Йиғилиш иштирокчилари Саноқ комиссиясининг 2-сонли баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг, банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши бир овоздан очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Миралиев Алишер Эркинович, Норгитов Мухитдин Жўрабоевич ва банк Бошқаруви Раиси Мирзаев Чори Садибақосович ҳамда йиғилиш котибиятига Ботиров Жамшид Ботировичлар сайландилар.

### **КУН ТАРТИБИ:**

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича эълон қилинган:

1. Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банкнинг 2017 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2018 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

5. 2017 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Банк Кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

7. 2017 йил якунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.

8. Банкнинг 2017 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.

9. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тўғрисида.

10. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини қайта кўриб чиқиш.

Банк акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишига Раислик қилувчи **А.Э.Миралиев** банк Кенгаши томонидан тасдиқланган йиғилиш регламентини таклиф этди ва овозга қўйди.

Регламент бир овоздан тасдиқланди.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг учинчи масала юзасидан Бошқарув Раиси **Ч.С.Мирзаев** сўзга чиқиб, Банкнинг 2017 молиявий йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2018 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тўғрисида маъруза қилди (маъруза илова қилинади, 2-илова).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Банк ички аудит департаменти директори **Б.У.Ахмедов** Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ташқи аудит хулосасини ўқиб эшиттирди (Ташқи аудит хулосаси илова қилинади, 3-илова).

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Тафтиш комиссиясининг Раиси **Б.Н.Махмудов** 2017 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботини ўқиб эшиттирди («Туронбанк» АТБ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади, 4-илова).

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Кенгаш раиси **Д.Б.Юнусов** «Банк Кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти якунлари

бўйича ҳисоботи» тингланди (Кенгаш ҳисоботи илова қилинади, 5-илова).

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан мажлис раиси **А.Э.Миралиев** банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи банк Бошқаруви Раиси маърузасида, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларида ҳар томонлама ёритилганлигини, шунингдек, акциядорларга банкнинг йиллик ҳисоботи, ташқи аудиторнинг хулосаси билан биргаликда танишиш учун тарқатилганлигини айтди. Буларда ҳам 2017 йил давомида банкнинг эришган ютуқлари, олган даромади, фойдаси, рентабеллик кўрсаткичлари ҳамда 2018 йилда қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар акс эттирилганлиги, шунинг учун ҳам бу масала юзасидан алоҳида сўзга чиқариш шарт эмас деган таклифни киритди.

Ушбу таклиф банк акциядорлари томонидан маъқулланди.

Кун тартибидаги саккизинчи масаласи, яъни банкнинг 2017 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш юзасидан банк Бош бухгалтери **Х.Ф.Турсунов** сўзга чиқиб, ушбу масала бўйича банк Кенгашининг таклифи қуйидагича билдирилганлигини айтиб ўтди, жумладан:

Маълумки, 2016 йил 31 декабр ҳолатига «Туронбанк» АТБнинг тақсимланмаган фойдаси, миллий стандартларга асосан 16 550 000,0 минг сўмни, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан 14 684 605,0 минг сўмни ташкил этган.

Шунингдек, 2017 йил 14 декабрда ўтказилган банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг АС-6/5 ва 6/7-сонли қарорларига асосан 2017 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасидан банк капиталлашуви даражасини оширишга ва стандарт активлар учун яратилиши лозим бўлган захиралар банкнинг тегишли ҳисобварағига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги АХ/08-01-35-17/249-сонли кўрсатма хатига асосан банкнинг 2017 йил яқунлари бўйича олинган 16 550 000 000,0 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш белгиланган:

- Умумий захира фондига ажратма сифатида – 827 500 000,0 сўм ажратилсин;

- Стандарт активлар учун яратилиши лозим бўлган захираларга – 2 448 600 000,0 сўм ажратиласин;

- Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акция учун 340 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 20 фоиз миқдорида дивиденд тулаш учун - 1 688 950 000,0 сўм ажратилсин;

- Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона оддий акция учун 18,5853 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 1,093 фоиз миқдорида дивиденд тулаш учун – 8 275 009 705,43 сўм ажратилсин;

Банк Кенгаши аъзоларини (ЭКОИХ ўн баравари миқдорида) ҳамда банк ходимларини рағбатлантириш (13-ойлик учун) мақсадида – 3 309 940 294,57 сўм ажратилсин.

Дивиденд тулаш муддатининг бошланиш санаси 2018 йил 11 июнь этиб белгилансин ва 2018 йил 3 августгача амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тулаб берилсин.

Йиғилиш раиси **А.Э.Миралиев** банк акциядорлари ва уларнинг вакилларидан ушбу масалани юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда қарор лойиҳаси асосида бюллетенлар орқали овоз беришларини сўради.

Мажлис кун тартибининг тўққизинчи масаласи, Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқсак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси талабларидан келиб чиққан ҳолда, Туронбанкда «Корпоратив бошқарув кодекси» тавсиялари жорий этилишини белгиланган тартибда баҳолаш мақсадида қонунчиликда ўрнатилган тартибда танлов асосида тегишли лицензияга эга баҳоловчи ташкилотни танлаш юзасидан 2018 йилнинг 13 январь куни банкнинг корпоратив расмий ([www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)) сайтида ва «БИРЖА» газетасининг 4 (2327)-сонида эълон берилди. Эълон бўйича 2018 йил январига қадар тегишли лицензияга эга баҳоловчи ташкилотларнинг тижорат таклифлари олиниб, уларнинг орасидан банк Кенгашининг 2018 йил 28 февралдаги К-33-сонли Қарори билан «Intelligent Analytics Group» МЧЖнинг тижорат таклифи маъқул (ғолиб) деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 5 ноябрдаги 35/1-сонли Қарорига асосан «Корпоратив бошқарув кодекси» тавсиялари жорий этилиши устидан мониторингни амалга ошириш учун «Туронбанк» АТБда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари 2017 йил якуни билан «Intelligent Analytics Group» МЧЖ консалтинг компанияси томонидан ўтказилган.

Баҳолаш натижаларига кўра, «Туронбанк» АТБда корпоратив бошқарув тизими «қониқарли» (420 балл) деб баҳоланган ва банкнинг корпоратив расмий [www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz) сайтида ва «БИРЖА» газетасининг 2018 йил 12 майдаги 53 (2376)-сонида хабар берилган. (6-илова).

Йиғилиш раиси **А.Э.Миралиев** банк акциядорлари ва уларнинг вакилларида ушбу масалани юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қарор лойиҳаси асосида бюллетенлар орқали овоз беришларини сўради.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **ўнинчи ва ўн биринчи** масалалари, яъни банк Кенгаши ва банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси атрофлича тушунтириш берди ва акциядорлардан қарор лойиҳасига асосан бюллетенлар орқали банк Кенгаши аъзолигига номзодларга кумулятив ва банк Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларга тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан тушунтириш берган **А.Э.Миралиев** ушбу масала бўйича банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборатлигини айтиб ўтди, жумладан:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси Мирзаев Чори Садибақосович ўртасида уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган шартнома бир йил муддатга узайтирилсин.

Ч.С.Мирзаевни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси сифатида банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар ишга ёллаш бўйича тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколати банк Кенгаши раиси **Д.Б.Юнусовга** берилсин.

Мажлис Раиси акциядорлардан ушбу масалага бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Йиғилиш Раиси кун тартибидаги масалалар бўйича бюллетенлар орқали овоз берилишини айтди.

Акциядорлар эътиборига **биринчи** масала бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **иккинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдаги, йиллик ҳисобот умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари **учинчи масала** бўйича – Банкнинг 2017 молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ҳамда 2018 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин деган таклифга ҳам бюллетенлар орқали фикр билдирдилар.

Акциядорлар эътиборига **тўртинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банкнинг 2017 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **бешинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

2017 йил яқунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Банк Кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги **олтинчи масала** бўйича тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

**Кун тартибидаги еттинчи масала** – 2017 йил яқунлари бўйича банкнинг бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш юзасидан тарқатилган қарор лойиҳасига акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала** бўйича акциядорлар эътиборига ҳавола этилган Банкнинг 2017 йил яқунлари бўйича олинган 16 550 000 000,0 сўм соф фойдасини тақсимлаш бўйича

тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала, банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқишни тасдиқлаш бўйича тарқатилган қарор лойиҳаларига мувофиқ тасдиқлаш учун овоз бердилар.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан йиғилиш раиси «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоллигига сайлаш учун акциядорлар эътиборига ўн уч нафар номзод таклиф этилганлигини билдирди ва банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар банк Кенгашининг аъзолари этиб кумулятив овоз бериш орқали улардан ўн бир нафарини сайлаш лозимлигини билдирди:

- Ибраҳимжанова Зумрат Аманбаевна - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқарма бошлиғи;

- Хайтметов Рустам Маҳкамжонович - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бош бухгалтери;

- Норғитов Мухитдин Жўрабоевич - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати раҳбари;

- Олимжонов Одил Олимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти “Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш” лойиҳасининг Раҳбари, иқтисод фанлари доктори, професор;

- Маликов Фаттоҳ Халилович - «USUB» МЧЖ Бош директори;

- Шарипов Нажмиддин Шухратович - Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари;

- Юнусов Джаҳонгир Баходирович - Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Раиси ўринбосари;

- Миралиев Алишер Эркинович - Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари;

- Умматов Бегзод Ҳамзаевич - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;



- Каримов Абдухафиз Абдуганиевич - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази” директори ўринбосари;

- Турмухамедов Алишер Улуғбекович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи;

- Ражабов Анвар Асатуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходими;

- Абдукаримов Равшан Мирзакаримович – Ҳаракатлар стратегияси маркази бошлиғи ўринбосари.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлар ва уларнинг вакиллари юқоридаги номзодларга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига кун тартибининг ўн биринчи масаласи – банк Тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун қуйида таклиф этилаётган саккиз нафар номзоддан уч нафарини сайлаш лозимлиги билдирилди:

- Умарова Дилбар Абдуллаевна - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўлим бошлиғи;

- Хабибуллаев Сардор Алишер ўғли - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бош мутахассиси;

- Туляганов Фаррух Абдурасулович - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бош мутахассиси;

- Мирзаахмедов Одилжон Анапияевич – Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳузуридаги Давлат Активларини бошқариш марказининг бош мутахассиси;

- Бобоев Адиз Музафарович – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси бошлиғи;

- Мухаммадиев Ўктам Шарифович - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромад тушумларини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

- Саттаров Джўра Абдуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Молиявий назорат қилиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари;

- Садиков Эльёр Ильмурадович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари ушбу таклифга бюллетенлар орқали муносабат билдирдилар.

Мажлис Раиси банк акциядорларининг навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилиши кун тартибининг **ўн иккинчи масаласи** юзасидан банк Кенгашининг таклифлари қуйидагилардан иборатлигини таъкидлади, жумладан:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси Мирзаев Чори Садибақосович ўртасида уни ишга ёллаш тўғрисида тузилган шартнома бир йил муддатга узайтирилсин.

Ч.С.Мирзаевни «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси сифатида банк акциядорларининг кейинги навбатдаги йиллик ҳисобот умумий йиғилишига қадар ишга ёллаш бўйича тузиладиган меҳнат шартномасини имзолаш ваколоти банк Кенгаши раиси Д.Б.Юнусовга берилсин. Мазкур таклифга акциядорлар ва уларнинг вакиллари бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Шундан сўнг танаффус эълон қилинди.

(Танаффусдан сўнг)

**Саноқ комиссияси раиси Д.А.Рустамов «Туронбанк» АТБ** акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича саноқ комиссиясининг 3-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди (7-илова).

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

*Йиғилишда иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган* *дона бюллетен бўйича жами овозлар сони **407 617 048** та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:*

**Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича **407 617 048** та овоз, яъни **100 %**;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен буйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг сақизинчи банкнинг 2017 йил якунлари бўйича олинган 16 550 000,00 минг сўм соф фойдаси тақсимлаш юзасидан овоз бериш натижалари:**

**8.1. Умумий захира фондига ажратма сифатида - 827 500 000,0 сўм ажратилсин;**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**8.2. Стандарт активлар учун яратилиши лозим бўлган захираларга – 2 448 600 000,0 сўм ажратиласин;**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**8.3. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона имтиёзли акция учун 340 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 20 фоиз миқдорида дивиденд тулаш учун - 1 688 950 000,0 сўм ажратилсин;**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**8.4. Номинал қиймати 1 700 сўм бўлган бир дона оддий акция учун 18,5853 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 1,093 фоиз миқдорида дивиденд тулаш учун – 8 275 009 705,43 сўм ажратилсин;**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**8.5. Банк Кенгаши аъзоларини (ЭКОИХ ўн баравари миқдорида) ҳамда банк ходимларини рағбатлантириш (13-ойлик учун) мақсадида - 3 309 940 294,57 сўм сўм ажратилсин.**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича 407 617 048 та овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 7 та бюллетен бўйича **407 617 048** та овоз, яъни **100 %**;

«Қаршилар» – йўқ.

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг ўнинчи масаласи (Банк Кенгаши аъзолигига номзодларни сайлаш) юзасидан овозлар номзодлар ўртасида қуйидагича тақсимланганлиги маълум бўлди:**

Фамилияси, исми, отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Овозлар сони
Ибрахимжанова Зумрат Аманбаевна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқарма бошлиғи	407 337 912
Хайтметов Рустам Маҳкамжонович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Бош бухгалтер	408 348 647
Норгитов Мухитдин Жўрабоевич	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати раҳбари	407 337 912
Олимжонов Одил Олимович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти “Ўрта ва узоқ муддатда иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш” лойиҳасининг Раҳбари, иқтисод фанлари доктори, професор	407 701 957
Маликов Фаттоҳ Халилович	«USUB» МЧЖ Бош директори	409 033 628
Шарипов Нажмиддин Шухратович	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари	407 337 912
Юнусов Джаҳонгир Баходирович	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Раиси ўринбосари	407 337 912

Миралиев Алишер Эркинович	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари	407 337 912
Умматов Бегзод Хамзаевич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;	407 337 912
Каримов Абдухафиз Абдуганиевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги “Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази” директори ўринбосари	-
Турмухамедов Алишер Улуғбекович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи	407 337 912
Ражабов Анвар Асатуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходими	407 337 912
Абдукаримов Равшан Мирзакаримович	Ҳаракатлар стратегияси маркази бошлиғи ўринбосари	-

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласи яъни банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан овоз бериш натижалари қуйидагича аниқланди:**

**Кун тартибининг 11.1 масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 6 та бюллетен бўйича 407 615 048 та овоз, яъни 99,999 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.2 масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» – 4 та бюллетен бўйича 407 493 163 та овоз, яъни 99,969 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.3 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 0 та бюллетен бўйича 0 та овоз, яъни 0 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.4 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 3 та бюллетен бўйича 123 885 та овоз, яъни 0,030%;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.5 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 1 та бюллетен бўйича 2000 та овоз, яъни 0,0004 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.6 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 2 та бюллетен бўйича 32 000 та овоз, яъни 0,0078 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.7 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 0 та бюллетен бўйича 0 та овоз, яъни 0 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

**Кун тартибининг 11.8 масаласи юзасидан овоз бериш  
натижалари:**

«Тарафдорлар» – 5 та бюллетен бўйича 407 585 048 та овоз, яъни 99,992 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.